

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Норин тумани ободонлаштириш"
бошкармаси



М.Мирзахмедова

«24»

06

2022 й.

БУЮРТМАЧИ:

**«НОРИН ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ
БОШКАРМАСИ»**

Норин тумани кучаларини ободонлаштириш учун гул
кучатлари экиш ишлари бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Норин тумани -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамоийларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Норин тумани кучаларини ободонлаштириш учун гул кучатлари экиш ишлари бўйича малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотлар жалб килинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати –100 000 000 (Бир юз миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун.

1.4.Ишларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **“Норин туман ободонлаштириш бошкармаси”** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160400, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Норин тумани, Хаккулобод шахри,

Эл.адрес: –

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Норин туманихалқ таълими бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу бўйича малакали хизмат кўрсатиш бўйича белгиланган юридик макомга эга бўлган ташкилотлар ўзининг низоми ва лицензия асосида тақдим этган холда иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Тъисисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари).

-Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспекциясидан соликдан карздорлиги йўклиги тўғрисида маълумотнома.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.


3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.


ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бижарувчи
1	Кабул килувчи ташкилот	Норин тумани ободонлаштириш бошкармаси
2	Буюртмачи	Норин тумани ободонлаштириш бошкармаси
3	Буюртма учун асос	Норин тумани хокимининг топширигига асосан норин тумани кучаларини ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш топшириги
4	Объектнинг жойлашган манзили	Норин тумани Хаккулобод шахарчаси
5	Катнашувчи учун талаблар	-Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). -ДСИдан карздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида (Банкдаги хисоб ракамидан картатека 2) маълумот.
6	Товар (маҳсулот) номи ва микдори	Норин тумани кучаларини ободонлаштириш учун 40 000 туп гул кучатларини экиш ишлари буйича
7	Иш тури	Жорий таъмирлаш
8	Хизматларни бажариш муддати	Шартномаларни имзолаган кундан бошлаб 5 кун муддатда
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Хизматларни бажариш жараёнида ёнгин, саноат ва техника хавфсизлиги коидаларига тўла риоя килиниши шарт.
10	Молиятлаштириш манбаси	Норин тумани ободонлаштириш бошкармаси бюджет маблаглари хисобидан.


Бош хисобчи:

 Р.Рахимжонов

КУ раиси:

 О.Хайитбоева

Технадзор:

 О.Хамидов

Омборчи:

 Н.Юлдашев

Инфратузулма обектлари
Булими бошлиги:

 Г.Тулашев